


ГУРЛАН ТУМАНИ ХУДУДНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ХАҚИДА

Исоқов Ж. И.

“Гидрология ва гидрогеология” кафедрасини 2-курс магистранти.

Илмий раҳбар: доц. Мирахмедов Т.Д.

Худудни ер ости ва устки сувларни боғлиқлиги ва гидрогеологик шароитини ўрганиш мақсадида худудни геологик ва геоморфологик тузилишлари жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун диссертация маълумотларидан фойдаланиб шу мақола ёзилди (расм 1.)



Расм 1. Хоразм вилояти

Худуднинг геологик тузилишида палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиклари иштирок этади. Юза қисмида неоген ва тўртламчи давр ётқизиклари мавжуд. Ундан ҳам қадимий жинслар Султон Увайс тоғи ҳамда Питнак антиклинал кўтарилмаси тузилишида иштирок этган.

Палеоген тизими: Палеоцен (P_1) - Палеоцен ётқизиклари бурғи қудуғи орқали очилган ва оқиш-кулранг оҳактошлардан иборат бўлиб, фауна бўлаклари қўшилиб кетган. Оҳактошлар қалинлиги 4 м; Эоцен (P_2): Қуйи эоцен (P_2^1) - Қуйи эоцен чўқиндилари 590 – 620 м чуқурликда жойлашиб, мергель, гил, оҳактош ва қумтошлардан иборат. Мергеллар оч-кулранг, зич, тўқ-кулранг жинслар аралаш, серкават, балиқ тангалари қўшилган. Гиллар тўқ-яшил, зич. Қумтош ва оҳактошлар кулранг, йирик, плитасимон. Қуйи эоцен

ётқизиклари қалинлиги ғарбдан жанубий-шарқ томон 3 -10 м га ўзгаради; Ўрта эоцен (P_2^2) - Ўрта эоцен ётқизиклари тўқкулранг мергел ва бентонит гиллар қаватлари аралаш оч-кулранг ва оқ мергеллардан иборат, улар зич, балиқ тангачалари аралаш. Ётқизиклар қалинлиги ғарбдан жанубий-шарқ томонга қараб 38-40 м дан 60- 70 м гача ортади. Юқори эоцен (P_2^3) Пастки қисми кулранг ва кўкиш-кулранг, зич ва балиқ тангачалари аралаш мергеллардан иборат; Олигоцен (P_3): Қуйи ва ўрта олигоцен (P_3^{1-2}) Бу ётқизиклар бироз балиқ тангачалари аралашган кўкиш-кулранг, зич, қат-қат, алевроитли, пиритлашган. Ётқизиклар қалинлиги 100 м дан ошмайди; Юқори олигоцен – қуйи миоцен ($P_3^3 - N_1$) Литологик тузилишига кўра, бу ерда гилларнинг учта қатлами белгиланган. Пасткиси кўкиш-кулранг оҳакли қатламлар аралаш кулранг гиллардан иборат. Бу қатламнинг қалинлиги 17,5 – 72 м. Ўрта қатлам қалинлиги 60 м гача бўлган кулранг-жигарранг гиллардан иборат. Юқори қатлам (Дарёлик свитаси) қалинлиги 28 – 150 м ли кулранг гиллардан иборат.

Неоген тизими (**N**); Миоцен N_1 ¹: Қуйи миоцен, (N_1^1) - Қуйи миоцен ётқизиклари ювилиб, Дарёлик свитаси гилларида ётади. Қуйи миоцен чўкиндиляри саёз лагуна фациялари – тўқ кулранг, кўнғир, қизғиш тусли сарғиш-кўнғир, оҳакли, кумли, қат-қат, гипсланган, орасига сарғиш-кўнғир, майда, гиллашган кумтош қўшилган гиллардан иборат. Ётқизиклар қалинлиги 60- 70 м дан ошмайди; Ўрта ва юқори миоцен (N_1^{2-3}) - Бу давр ётқизиклари ўрганилган майдон бўйлаб қидирув бурғи қудуқларида топилган бўлиб, кумтошлар, алевролитлар ҳамда кулранг доғли кўнғир-кулранг ва кўнғир гиллардан иборат. Плиоцен N_2 ³: Юқори плиоцен (N_2^3) - Юқори плиоцен ётқизиклари стратиграфик номувофик равишда Агитма свитаси ётқизиклари устида жойлашган. Юқори плиоцен кесими гиллар, кумтошлар ва алевролитлар кетма-кетлигидан иборат. Гиллар кулранг, сарғиш-кулранг, кўнғир-сарик, зич, кесакли ва дағал қаватли, кумли, оҳакли, марганец сачраган вакулранг кум линзачалари қўшилган.

Тўртламчи тизими (**Q**): Тўртламчи давр ётқизиклари ўрганилган майдонни тўлиқ қоплайди ва аллювиал, кўл ва эол ётқизикларидан иборат. Тўртламчи давр қатламнинг қалинлиги 60- 70 м дан ошмайди.

Сариқамиш комплекси ($a Q_{III-IV}^{Sr}$) Сариқамиш комплекси аллювиал ётқизиклари ўрганилган майдоннинг марказий қисмини эгаллайди. Ётқизиклар қадимий Амударёнинг аллювиал-дельта фацияларидан иборат бўлиб, кесимнинг вертикал ҳамда горизонтал йўналишларда кўплиги билан белгиланади. Кесимнинг пастки қисмлари кулранг, майда ва ўрта заррали, слюдали, кварц-дала шпатли, гилли кумлардан иборат. Гранулометрик таркиби кум фракцияларининг (2,0 – 0,05мм) кўплиги– 97% гача билан белгиланади. Минералогик таркибида минераллар кўп: кварц - 50-69%, дала шпати – 27 – 30%,

мусковит – 14,3 % гача, биотит – 17,6% гача. Қум қатламининг қалинлиги жанубдан шимолга қараб 0 дан 40 м гача ортади. Кесимнинг устки қисмлари оч-кулранг ва сарғиш-кулранг суглиноклар ва супеслардан – енгил ва оғир, бўлакли ва дағал қаватли, темирланиш доғлари билан, майда кристалли гипс парчалари, кулранг майда заррали кум линзалари ва қатламлари аралашган. Юқори бўлагининг қалинлиги 1 – 10 м. Сариқамиш ётқизикларининг умумий қалинлиги жанубдан шимолга қараб 40 – 45 м гача ортиб боради.

Кўл ётқизиклари (ℓ Q_{III-IV}^{II}) - Кўл ётқизиклари Қорақум чўлининг жанубий чегараси бўйлаб кенг тасма сифатида ётиб, супесь, суглинок ва гиллардан иборат. Кўл ётқизиклари учун юпқа қаватлилик ва чўзилган йўналиш бўйлаб қатламларнинг бўлаклилиги, натижада эса уларнинг линзасимон ётиши хосдир. Қумлар сарғиш-кулранг, кулранг ва кўкимтир тўқ- кулранг, майда заррачали ва лойқали, баъзи жойларда юпқа қаватли, кварц-дала шпатили ва слюдали. Супеслар енгил ва оғир, сарғиш-кулранг ва тўқ-кулранг, темирланиш доғлари, кулранг кум қаватлари ва линзачалари кузатилади. Суглиноклар ранги кўнғир-кулрангдан то кўкиш-кулранггача, оғир, ўртача ва енгил, охрасимон доғлари ва оҳак бўлакчалари бор. Кўл (лиман) чўкиндилари, худди Сариқамиш аллювиал ётқизиклари каби, кўмилган эол сарғиш-кулранг қумлар билан тўшалади. Кўл ётқизикларининг ҳосил бўлиши инсоннинг суғориш-мелиоратив фаолияти билан боғлиқ. Ётқизиклар қалинлиги 0,1 – 30 м.

Ўрганилган худуд Бухоро-Хива ботиғида жойлашган, у эса ўз навбатида биринчи даражали платформаи синклинал структураси ҳисобланиб, палеозой фундаменти юзасининг босқичли моноклинал чўкиш зонасидир. Бу ботикда нисбий кўтарилма ва букиклар (Бухоро-Газли ва Амударё валлари, Амударёолди ва Қорақўл букиклари) тасмалари белгиланган. Пастликни чигаллаштирувчи валлар алоҳида йирик кўтарилмаларга бўлинадики, улар ўз навбатида маҳаллий структуралар натижасида чигаллашган. Амударёолди букики йирик тектоник элемент бўлиб, Марказий Қорақум куббаси ва Амударё вали орасида жойлашган. Амударёолди букики тик шарқий бортга ва яссироқ ғарбий бортга эга.

Худуднинг геологик тузилиши ҳақидаги ахборатлар шу худуд бўйича қилинган ҳисобатлар ва чоп этилган адабиётлар асосида ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирахмедов Т.Д. ва бошқалар. Создание математической модели управления и рационального использования водных ресурсов Хорезмской области в условиях маловоодья. Отчет о научно-исследовательской работе А-04-32. Ташкент 2008.